

O`ZBEKISTON RESPUBLIKASI SOG`LIQNI SAQLASH VAZIRLIGI

TOSHKENT TIBBIYOT AKADEMIYASI



United Nations
Educational, Scientific and
Cultural Organization



UNESCO Chair
in Bioethics
University of Haifa



Международный государственный экологический
институт имени А.Д. Сахарова Белорусского
государственного университета



TIBBIY TA'LIMDA ETIKA VA INTEGRATSIYA MASALALARI

xalqaro ilmiy-amaliy konferensiya materiallari
(16 fevral, 2021 yil)

IKKINCHI QISM

Toshkent - 2021



қилишда тест-полоскаларни ишлатиш беморларда клиникани ўзгаришини зудлик билан баҳолашга ёрдам берди. 5 та (50%) болада атопик дерматит шиш билан кечганда тест-полоскалар орқали пешоб тахлилида альбумин аниқланди. Бу болаларга ўткир гломерулонефрит ташхиси қўйилди ва даво режалари олиб борилди.

Хулоса. Болаларда ўткир гломерулонефрит атопик дерматит билан кечганда пешоб тахлилида альбумин миқдорини тест-полоскалар орқали аниқлаш беморларнинг умумий аҳволини зудлик билан баҳолаш, қўшимча даво режаларини қўшиш ва уларни бекор қилиш учун диагностик ахамиятга эга.

КОРОНАВИРУС ПАНДЕМИЯСИ ДАВРИДА САНИТАРИЯ-ЭПИДЕМИОЛОГИЯ ХИЗМАТИНИНГ ТУТГАН ЎРНИ ВА ИСТИҚБОЛЛАРИ

Норбоев Х.Н.

Ўзбекистон Республикаси Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизмати бошлигининг биринчи ўринбосари

Расулов Ш.М.

Тошкент тиббиёт академияси

Аннотация. Мақолада Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 27 июлда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикаси санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизмати фаолиятини ташкил қилиш чора-тадбирлари тўғрисида» ги ПҚ-4790-сонли қарори бўйича, Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизматининг бажарган иш фаолияти ва келажақдаги режалари ёритилган.

Калит сўзлар: Пандемия, кадрлар тайёрлаш, амалиёт, тиббий-профилактика, эпидемиология, профессор-ўқитувчилар, талабалар, илмий тадқиқотлар.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 27 июлда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикаси санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизмати фаолиятини ташкил қилиш чора-тадбирлари тўғрисида» ги ПҚ-4790-сонли қарори бўйича қуйидаги ишлар амалга оширилди.

Қарорнинг мазмун-моҳияти, мақсади республика, вилоят ва туман (шаҳар) даражасидаги соҳа ходимлари эътиборига етказилди, қўйилган топшириқлардан келиб чиқиб, устувор вазифалар белгиланди. Хизматнинг ташкилий-таркибий тузилмалари, штат жадваллари, соҳа мутахассисларининг меҳнатига ҳақ тўлаш тизимини такомиллаштириш бўйича ишлар олиб борилмоқда.

Илмий тадқиқотлар, инновациялар ва илмий педагогик кадрлар тайёрлаш, шунингдек, ахборот-коммуникация технологияларини соҳага кенг жорий қилишнинг асосий йўналишлар белгилаб олинди. Жумладан, Соғлиқни сақлаш вазирлигининг махсус буйруғи билан Республика ихтисослаштирилган Эпидемиология, микробиология, юқумли ва паразитар касалликлар илмий амалий тиббиёт маркази ташкил этилди ҳамда унинг фаолиятини тартибга солувчи низоми тасдиқланди. Унга кўра, марказ бундан буён Республикада юқумли ва паразитар касалликлар соҳасида фаолият кўрсатаётган барча тиббиёт муассасаларининг ишини мувофиқлаштириб борадиган, уларга ташкилий-услубий ва амалий ёрдам кўрсатувчи муассаса хисобланади. Кейинги йилларда дунёда авж олаётган юқумли касалликлар бўйича чет давлатларнинг илғор илмий-амалий тажрибаларини ўрганиш ва уларни амалиётга тадбиқ этиш ишларини жадаллаштирса, иккинчи томондан юқумли ва паразитар касалликларнинг олдини олиш, касалликка эрта ташхис қўйиш ва беморларни самарали даволаш бўйича илмий асосланган хизматлар кўрсатилишини таъминлайди [1,2].

Тиббиёт олий таълим муассасаларида "Тиббий-профилактика ва жамоат саломатлиги" факультети ташкил этилди. Тошкент тиббиёт академиясида 2020-2021 ўқув йилидан бошлаб, факультет талабаларини тайёрлаш ўқув дастурларига шу йўналиш бўйича мавзулар, ўқув-соатлари киритилиб, режага мувофиқ амалга оширилмоқда [3,4].

Республикада озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш борасида бир қатор ишлар амалга оширилди. Савдо-саноат палатаси, манфаатдор идоралар билан биргаликда озиқ-овқат хомашёси ва истеъмол маҳсулотларини ишлаб чиқариш, ташиш, сақлаш ва сотиш жараёнлари устидан жамоатчилик назоратини жорий қилиш бўйича меъёрий ҳужжат лойиҳаси ишлаб чиқилди.

Юқумли касалликларни аниқлаш, беморлар тўғрисидаги шошилинч хабарни етказиш, тегишли тиббий ҳужжатларни тўлдириш, сақлаш ва юритиш каби тадбирлар билан боғлиқ мутахассисларнинг иш юкламасини тизимга замонавий электрон ахборот алмашинувини жорий қилиниши орқали кескин камайтириш мақсадида тегишли вазирликлар ва халқаро молия институтлари билан ҳамкорликда дастур ишлаб чиқариш тадбирлари амалга оширилмоқда.

Пандемия даврида йўл қўйилган камчиликлар ва орттирилган тажрибадан келиб чиқиб, "Аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталиги тўғрисида"ги ва "Аҳоли ва ҳудудларни табиий ҳамда техноген хусусиятли фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш тўғрисида"ги қонунлар лойиҳаси янги таҳрирда тайёрланди ҳамда вазирлик ва идоралар билан келишиш жараёни амалга оширилмоқда, шунингдек, фармон ва қарордан келиб чиққан ҳолда бошқа қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш бўйича ишлар олиб борилмоқда.

Пандемия даврида Санитария-эпидемиология хизматининг шаҳар ва туманлар бўлимларида кадрлар салоҳиятини етарли эмаслиги билиниб қолди, айниқса, битта тизим бўлган санитария-эпидемиология хизматини

иккига ажратилганлиги ўзининг салбий таъсирини кўрсатди, шу сабабли иккита тизим яна бирлаштирилди ва ягона тизимга айлантирилди, шунингдек, республикамизда янги пайдо бўлган юқумли касалликларни тезкор ўрганиш, илмий асорланган хулосаларни ишлаб чиқиш, эпидемик вазиятни баҳолаш ва юқумли касалликлар билан чақириладиган эпидемия ва пандемияларни олдиндан башорат қилиш ва керакли тадбирларни, лозим бўлган хажмда ишлаб чиқишга қодир бўлган, юқумли ва паразитар касалликлар бўйича илмий изланишларни мувофиқлаштириб борувчи марказга эҳтиёж борлиги кўринди ва юқорида қайд этилган Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори билан Республика ихтисослаштирилган Эпидемиология, микробиология, юқумли ва паразитар касалликлар илмий-амалий тиббиёт маркази ташкил этилди [1,2].

Таъкидланганлардан келиб чиқиб, келажакда Халқаро андозаларга жавоб берадиган, республика аҳолисига профилактик ва эпидемияга қарши чора-тадбирларни сифатли ва ўз вақтида амалга ошира оладиган тиббий-профилактика соҳасида кадрларни тайёрлаш сифатини ошириш мақсадида куйидагиларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз:

- Тиббий-профилактика соҳасида (эпидемиология, гигиена, санитария, микробиология ва жамоат саломатлиги ва бошқалар) таълим бериш жараёнида иштирок этаётган профессор-ўқитувчиларни амалиётда олиб борилаётган ишлар, қабул қилинган меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар билан мунтазам таништириб бориш ва айнан ушбу мутахассисларнинг бу каби ҳужжатлар лойиҳаларини тайёрлаш ҳамда мутахассисларнинг салоҳиятини ошириш ишларида бевосита иштирокини таъминлаш;

- Тиббий-профилактика соҳасида таълим олаётган талабалар, магистрлар ва клиник ординаторларнинг ўқув-соатлари ва дарсларни амалиёт билан уйғунлаштириш ҳам ўқув жараёнига амалий тиббиёт вакиллари ҳам жалб қилиш;

- Докторантлар ва мустақил изланувчиларга Санитария-эпидемиология хизматининг статистик маълумотларидан фойдаланиш имкониятини яратиб бериш, илмий изланишларини ва лаборатория текширувларини соҳанинг амалий муассасаларида амалга оширилишига шароит яратиб бериш.

Адабиётлар:

1. Васильева А.Н. “JAVA Объектно-ориентировочное программирование” С.Пб. ПИТЕР, 2013. 395 с.

2. Закирова Ф.М. ва б. “Электрон ўқув-методик мажмуалар ва таълим ресурсларини яратиш методикаси”. Т. 2010. 50 б.

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 4 апрелдаги «Тиббий-санитария соҳасида кадрларни тайёрлаш ва узлуксиз касбий ривожлантиришнинг мутлақо янги тизимини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида» ги ПҚ-4666-сонли Қарори.

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 27 июлдаги «Ўзбекистон Республикаси санитария-эпидемиологик осойишталик ва жа-

моат саломатлиги хизмати фаолиятини ташкил қилиш чора-тадбирлари тўғрисида» ги ПҚ-4790-сонли Қарори.

ЭХИНОКОККОЗ КАСАЛЛИГИНИНГ ТАРҚАЛГАНЛИГИ ВА ПРОФИЛАКТИКАСИ

*Расулов Ш.М., Матназарова Г.С.
Тошкент тиббиёт академияси*

Аннотация. Мақолада эхинококкоз касаллигининг тарқалганлиги, Тошкент шаҳрида касалланиб даволанган 109 нафар беморларнинг касаллик тарихлари ва эхинококкоз эпидемик ўчоқларида ўтказилган эпидемиологик текширув харита маълумотлари таҳлил қилинган.

Калит сўзлар: эхинококкоз, эндемик касалланиш, кўп йиллик таҳлил, эпидемиология, профилактика.

Инсоният XXI асрга қадам қўйган бир даврда, фан ва техникадаги эришилган ютуқларга қарамадан, аҳоли орасида баъзи бир юқумли касалликлар кўплаб қайд қилинмоқда, баъзилари эса батамом тугатилмаган. Юқумли касалликларни, жумладан эхинококкозни аҳоли орасида батамом тугатиш ёки янада камайтириш санитария-эпидемиология соҳасида хизмат қилаётган мутахассисларнинг билим савиясига ва уларнинг иш фаолиятига бевосита боғлиқ.

Эхинококкоз касаллиги дунёнинг кўплаб мамлакатларида кенг тарқалган. Баъзи маълумотларга кўра, ҳозирги вақтда эхинококкоз билан 1 миллиондан ортиқ киши зарарланган. Сўнгги ўн йилликларда эхинококкоз билан касалланишнинг ўсиши ва касаллик географик чегарасининг кенгайиши кузатилмоқда. Масалан Тунисда эхинококкоз сабабли ўтказиладиган жарроҳлик амалиёти барча жарроҳлик аралашувларининг 10%ини ташкил этади [6,7].

Эхинококкоз касаллиги яққол клиник белгиларсиз кечиши билан бошқа гельминтозлардан ажралиб туриши сабабли ушбу касаллик билан касалланиш даражаси ҳақида аниқ маълумотлар берилмайди. Ўзбекистоннинг барча ҳудудларида бу касаллик тарқалган ва шунинг учун бизнинг республикамиз эхинококкоз учун эндемик ҳудуд ҳисобланади [1,13,21].

Эхинококкоз Ўзбекистон учун ҳам жиддий тиббий муаммо бўлиб қолмоқда. Ҳар йили республикамиз бўйича 4000 мингга яқин эхинококкоз касаллиги билан боғлиқ жарроҳлик амалиётлари ўтказилади [6,7] уларнинг сони йилдан йилга ортиб бормоқда.

Юқорида қайд қилинган маълумотлар эхинококкознинг замонавий эпидемиологик хусусиятларини ўрганишни тақозо қилади. Ўзбекистонда эхинококкоз касаллигининг эпидемиологик хусусиятлари етарли даражада ўрганилмаганлигича қолмоқда.


Тадқиқотнинг мақсади. Эхинококкоз касаллигининг замонавий эпидемиологик хусусиятларини ўрганиш ва профилактик чора-тадбирларини такомиллаштириш.

Тадқиқот материаллари. Тошкент шаҳрида эхинококкоз билан касалланган 109 нафар беморларнинг касаллик тарихлари ва эхинококкоз эпидемик ўчоқларида ўтказилган эпидемиологик текширув хариталар маълумотлари.

Тадқиқот усуллари. Эпидемиологик, паразитологик ва статистик усуллардан фойдаланилди.

Тадқиқот натижалари ва уларнинг муҳокамаси.


Тошкент шаҳрида эхинококкоз касаллиги билан касалланиб даволанган 109 нафар беморларнинг туманлар бўйича тақсимланишини таҳлил қилганимизда энг кўп Шайхонтохур, Юнусобод ва Учтепа туманларида, Бектемир, Яккасарой ва Миробод туманларида кам даражада кайд этилганлиги аниқланди (1-расм).



1-расм. Тошкент шаҳрида эхинококкоз касаллиги билан касалланиб даволанган 109 нафар беморларнинг туманлар бўйича тақсимланиши

Касалликнинг Шайхонтохур, Юнусобод ва Учтепа туманларида кўпроқ учрашининг сабаби қолган туманларга нисбатан бу туманларда уй ҳайвонларини боқиш ва деҳқончилик ишлари билан шуғулланувчи аҳолининг кўплиги билан боғланди.

Касалланиб даволанган 109 нафар беморларни жинс бўйича таҳлилида 58% аёллар, 42% эркаклар ташкил этди (2-расм).




2-расм. Тошкент шаҳрида жами касалланган 109 нафар беморларнинг жинс бўйича тақсимланиши

Ўзбекистон Республикаси шаҳар ва вилоятларида эхинококкоз билан касалланишининг жинслар бўйича олдинги таҳлиллар ҳам касалланиш эркакларга нисбатан аёллар орасида кўп тарқалганлиги аниқланган.

Касалланишнинг аёллар ўртасида кўпроқ учрашининг асосий сабаби аёллар эркакларга нисбатан кўпроқ рўзгор ишлари билан шуғулланади масалан: мол ва қўй боқишлар, ҳовлини тозалаш, ҳовлидаги экинларга ишлов бериш, овқатларга ишлатиладиган кўкатларни тайёрлаш тузини татиб кўриш ва бошқа касаллик юқиши эҳтимоли юқори бўлган ишлар билан шуғулланадилар.

Эхинококкоз касаллигининг ёшлар бўйича тарқалганлигини адабиёт маълумотларидан таҳлил қилганимизда 2-3 ёшли болалардан касалланиш учраганини аниқладик. 0-2 ёшгача бўлган болалар орасида касалланганларни учратмадик, қолган катта ёшдаги барча болалар ва катталар орасида бу касаллик учрайди.

Таҳлил этилаётган 109 нафар беморларнинг ёшлар бўйича таҳлил қилганимизда қуйидаги натижаларни олдик (3-расм).



3-расм. Тошкент шаҳрида эхинококкоз касаллиги билан касалланиб даволанган 109 нафар беморларнинг ёшлар бўйича тақсимланиши

Юқоридаги жадвалда кўриниб турибдики аҳолининг асосан ишга яроқли ёшлари ўртасида эхинококкоз касаллиги энг кўп қайд қилинмоқда. 0-7 ёшда 1 нафар, 8-14 ёшда 8 нафар, 15-21 ёшда 11 нафар, 22-28 ёшда 26 нафар, 29-35 ёшда 13 нафар, 36-42 ёшда 16 нафар, 43-49 ёшда 12 нафар, 50-56 ёшда 13 нафар, 57 ёш ва ундан катталар орасида 9 нафар касалланганлар аниқланди.

Демак, касаллик 3 ёшдан бошлаб барча ёшларда учрайди, шунинг учун бу касалликнинг олдини олиш чора-тадбирларини такомиллаштириш лозимлигини кўрсатади.

Эхинококкоз профилактикаси: Эхинококкозда эпидемик жараён, эпизоотияга боғлиқ, яъни ҳайвонларда касаллик учрамаса у одамларда ҳам учрамайди. Бундан ташқари, эпидемик жараённинг кечиши, айланиб юрган кўзгатувчининг турига ҳам боғлиқ. Шунинг учун эхинококкознинг турли

ўчоқларида эпизоотик ва эпидемик жараённинг алоҳида хусусиятларини кўриб чиқиш мақсадга мувофиқдир.

Адабиётлар:

1. Абдиев Т.А., Сувонкулов У.Т., Коваленко Д.А., Абдиев Ф.Т., Арзиев Х.Ю. Распространенность гельминтозов в Узбекистане// проблемы биологии и медицины.-Самарканд 2014, №3 (79). С. 16-17.

2. Онищенко Г.Г. Заболеваемость паразитарными болезнями в Российской Федерации: научное издание // Эпидемиология и инфекционные болезни.-М., 2007.-С. 4-6.

3. Расулов Ш.М., Матназарова Г.С., Миртазаев О.М. Эхинококкоз касаллигининг замонавий эпидемиологик хусусиятлари ва унинг профилактикаси. // Биология ва тиббиёт муаммолари.-Самарканд.-2018.№4,2 (106).- Б. 92-95.

4. Шевченко Ю.Л., Назыров Ф.Г. Хирургия эхинококкоза. Москва. Изд. «Династия», 2016. 287с.

**РАЗВИТИЕ СТОМАТОЛОГИЧЕСКИХ ЗАБОЛЕВАНИЙ У
БЕРЕМЕННЫХ И МЕТОДЫ ЕЕ ПРОФИЛАКТИКИ**

*Вахобова М.Б., Шамухамедова Ф.А., Абдуллаева Н.И.,
Шухратова М.*

Ташкентский государственный стоматологический институт

Review. This study is devoted to the detection of dental diseases in pregnant women, as well as the prevention of the progression of dental diseases (caries, pulpitis, gingivitis, stomatitis, periodontitis, periodontitis, periodontal disease, etc.).

Key words: pregnant women, prevention, nutrition, dental diseases, caries, gingivitis, stomatitis, periodontitis, pulpitis.

Актуальность темы. Высокая распространенность и рост развития стоматологических заболеваний у женщин во время беременности представляют собой большую социальную проблему. По данным литературы при физиологическом течении беременности распространённость кариеса составляет 91,4%, заболевания пародонта встречаются в 90% случаев, поражение ранее интактных зубов, преимущественно с острым течением кариозного процесса- у 38% пациенток.

Вторичный кариес, прогрессирование кариозного процесса, гиперестезия эмали встречаются у 79% беременных, при этом интенсивность прироста кариеса составляет 0,83%. Клинической особенностью течения кариозного процесса у беременных женщин является

<i>Курьязова Ш.М., Худайназарова С.Р., Илхомова Х.А.</i>	Особенности течения и клинико-иммунологическая характеристика некоторых заболеваний органов дыхания у детей Хорезмской области	298
<i>Курьязова Ш.М., Худайназарова С.Р.</i>	Частота встречаемости бронхолегочной патологии с сопутствующей патологией у детей младшего школьного возраста при длительном кашле	301
<i>Хошимова С.Ш., Каримова У.Н.</i>	Тест-полосканинг болаларда ўткир гломерулонефрит атопик дерматит билан кечганда альбуминурияни пешоб умумий тахлилида диагностика қилишдаги аҳамияти	305
<i>Норбоев Х.Н. Расулов Ш.М.</i>	Коронавирус пандемияси даврида санитария-эпидемиология хизматининг тугган ўрни ва истикболлари	306
<i>Расулов Ш.М., Матназарова Г.С.</i>	Эхинококкоз касаллигининг тарқалганлиги ва профилактикаси	309
<i>Вахобова М.Б., Шамухамедова Ф.А., Абдуллаева Н.И., Шухратова М.</i>	Развитие стоматологических заболеваний у беременных и методы ее профилактики	312
<i>Yadgarova N.F., Kuchkarov X.N.</i>	Shizofreniya kasalliklardagi kognitiv buzilishlar	315
<i>Рахматова М.Ж., Хидирова Н.К. Исхакова Г.А.</i>	<i>ALCEA NUDIFLORA L.</i> ўсимлиги полипреноллари асосидаги “преналон” воситасининг фармакологик хусусиятлари	316
<i>Махманазаров Г.А. Хаширбаева Д.М.</i>	Особенности и культура питания медицинских работников Узбекистана	320
<i>Амонова О.Р., Ирсадиева Ф.Х.</i>	Применение patch-тестов при пищевой аллергии с выжимкой концентрата соков фруктов и овощей	323
<i>Is'hakova M.O., Ergasheva H.E.</i>	Namangan shaxrida intraduksiya qilingan o'simliklar	324
<i>Азизова Б.Б.</i>	Характеристика тромбоцитов у больных сахарный диабет 2 типа	326
<i>Eshnazarov M.</i>	Stress oqibatida kelib chiqadigan kasalliklar va ularni bemorlarda namoyon bo'lishi	328